

# O'ZBEKISTON

## OVYOZI IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 11-iyul • Seshanba • 78 (27.570) • www.uzbekistonovozisi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

### «...ҚУРУВЧИЛАРИНГИЗНИНГ МАЛАКАСИ ҲАМ, ДИДИ ҲАМ ЗЎР ЭКАН!»



«...Юртингизнинг бундан ўн-ўн беш йиллар илгариги жамоли билан бугунгисини бир қиёслаб кўринг: йилдан-йилга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Ўзига хос янгича услубдаги меъморий ечимга эга иншоотлар, кенг, раvon йўللар, сўлим хиббонлар...»  
(Хорижлик сайёх сўзидан)



2-бет

Дарвоқе, Самарқанд вилоятини олинг: жорий йилда жаҳон андазаларига мос бунёд этилаётган 18 та касб-хунар коллежи, 92 та мактаб биноси, 3 та шифона, 3 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та туғуруқхона мажмуи фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, 3 та ТНП шаклидаги спорт зали қурилиши жадал олиб борилаётган. Уларнинг лойиҳа қиймати 54 млрд. сўмни ташкил этиб, давлат ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Масалан, «Тегина ОАМ» МЧЖ қурилиш ташкилоти дастлаб «ЎзБАТ» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси қурилишида иштирок этиб, анчагина тажриба тўплади. Ишидаги самара ва сифат буюртмачиларига маъқул келди шекилли, Ургут ва Булунғур туманларидаги иккисодиёт, Нурободда хунармандчилик, Пастдарғомда қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи қурилишлари ҳам уларга ишонилди.

— Узок-узок қишлоқларда барпо этилаётган касб-хунар коллежлари ҳам эндиликда

замонавий техникалар билан жиҳозланмоқда. Мактаблар қурилишида ҳам шундай — дейди **жамият раҳбари Ақтам ака Орипов**. — Олиб борилаётган барча бунёдкорлик ишларида Туркиянинг «Айсал» қурилиш компанияси билан тажриба алмашиб турибмиз.

...Ҳоҳида ўйлаб қоламан, — давом этади у. — Бугун биз кураётган катта-кичик иншоотларнинг кўрки ва салобати йиллар ўтиб, қай ҳолга келадиган? Эрта бир кун кимдир шунча меҳнат эвазига бунёд этилган иморатларимиздан камчилик топмасмикан?! Ана шу нуқтаи назардан ҳам кураётган хар бир иншоотимизни 40-50 йиллардан кейинги аҳоли бўйича буюртмачилар билан бошидаёқ фикрлашиб оламиз.

— Илгари оддий бир мактаб ёки бошқа бир иморат қурилиши икки-уч йил, баъзан ундан ҳам кўпроқ муддатларга чўзилиб кетарди. Хозирчи?

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 июль кун Ислам Каримов Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазирини Гернот Эрлерни қабул қилди.

— Ташрифингиз икки томон манфаатларига хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Германиянинг интилишлари муштарак эканлигидан яна бир даллатдир, — деди Ислам Каримов. — Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигини ривожлантириш, халқларимизнинг маданиятини ўзаро бойитиш борасида катта тажрибага эга.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги кенг қамровли муносабатлар ривожланиб бормоқда. Жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистондаги қўлай сарможий муҳит немис ишбилармонларнинг мамлакатимизга қизиқишини оширмоқда. Сўнгги олти ой давомида Германиянинг қатор ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизга ташриф буюриб, жойларда саноат ишлаб чиқариш ҳамда янги лойиҳалар бўйича ҳамкорлик юзасидан бевосита мулоқотлар ўтказганини таъкидлаш ўринлидир. Улар орасида Германиянинг «Даймлер-Крайслер», «EADS», «MAN Ferrostaal AG», «LEMKEN GmbH»

каби қатор етакчи компаниялари раҳбарлари бор. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳамми мунтазам ошиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич қарийб 326 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида сиёсий ҳамкорлик ҳам изчил ривож топмоқда. Бунда икки томонлама мулоқотлари, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат вазирини Гернот Эрлер кўп йиллар давомида Германия Бундестагида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Меҳмон қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб боришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Учрашувда ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMOYISHI

#### Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш борасидаги тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида

Етиштирилган мева ва сабзавотлардан самарали фойдаланиш ҳамда нобудгарчиликларга йўл қўймаслик, фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни таъминлаш учун тез қайта соzланадиган илгач замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, тез қайта соzланадиган илгач ишлаб чиқаришлар билан таъминлаш ҳисобидан уларни комплекс қайта ишлаш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида:

1. Мева ва сабзавотларни қайта ишлаш учун фермер хўжаликларини замонавий ускуналар ва мини-технологиялар билан таъминлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасидаги тақлифларни тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи иловига мувофиқ таркибда тузилсин.
2. Ишчи гуруҳ икки ой муддатда: мутахассисларни жалб этган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича уларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи жаҳонда пешқадам хорижий мамлакатлар (Германия, Венгрия, Италия ва бошқалар) етакчи компанияларнинг замонавий ускуналари ва мини-технологияларини пухта ўрганиб чиқсин, уларнинг техник-иқтисодий тавсифини Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобатбардор, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариши таъминлаш бўйича қатъий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳоласин; маҳаллий ва хорижий тижорат банклари ҳамда лизинг компа-

ниялари билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича улар билан фермер хўжаликлари ва агрофирмаларни таъминлаш учун тез қайта соzланадиган илгач замонавий технологик ускуналар харид қилиш шакллари ва Ўзбекистонга етказиб бериш механизминини ишлаб чиқсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда, фермерлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, туманлар бўйича мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта соzланадиган ишлаб чиқаришларнинг аниқ турларига бўлган талабни атрофлича ўрганиб чиқсин ҳамда улар билан фермер хўжаликлари, кичик корхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш эҳтиёжларини аниқласин;

хорижий тажрибани ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича харид қилинадиган хорижий ускуналар ва мини-технологияларга хизмат кўрсатувчи сервис тармоғини ташкил этиш, ходимларни мазкур ускуналардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатишга ўқитиш юзасидан тақлифлар тайёрласин.

3. Ишчи гуруҳ, олиб бориладиган ишлар асосида, фермер хўжаликлари ҳамда улар томонидан ташкил этилган агрофирмаларга мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқара-

диган замонавий ускуналар, мини-технологиялар ва тез қайта соzланадиган илгач ишлаб чиқаришларни етказиб бериш ва таъминлаш бўйича аниқ тақлифларни, мазкур вазифани янги мева-сабзавот ва узум етиштиришнинг янги мавсуми бошланишига ҳал этишни назарда тутган ҳолда, 2006 йилнинг 1 сентябрга Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

4. Қўйиладиган: Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари Комплекси зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган барча ишлар олиб борилишини мувофиқлаштириш вазифаси;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар ҳокимликлари зиммасига мазкур Фармойишнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик юклансин.
5. Ишчи гуруҳга ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга вазирликлар, идоралар ва таъдиқот марказлари мутахассисларини жалб этиш, сифатли тақлифлар тайёрлаш учун зарур маълумотларни сўраб олишга руҳбат берилсин.
6. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри, 2006 йил 7 июль

### «ОҚСУВ» ПИШЛОҒИ

уни самода ҳам хуш кўришади

Қўргонтепанин Дардоқ қишлоғи ўрамадаги «Оқсув» фермер хўжалиги сутни қайта ишлаш кичик корхонасида тайёрланган маҳсулотлар баъзи номдор озиқ-овқат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан зўр бўлса зўр-ки, кам эмас. Шунинг учун ҳам «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг «Катринг» унитар корхонаси «Оқсув» билан 50 миллион сўмлик пишлоқ етказиб бериш бўйича шартнома тузди.

«Оқсув» эндиликда атрофдаги қишлоқлар аҳолиси билан сут қабул қилиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва улар турларини кўпайтириш йўллари кенгайтирилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

### «Истиқбол» ёшлари ИШОНЧ — ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббуси билан «Бугунги кун ёшларида фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифалари» мавзусида республика ёшлари вакилларининг минтақавий анжумани бўлиб ўтди. Унда Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ёшлари иштирок этдилар.

Анжумани ЎзХДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ҳамда Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти марказий бошқаруви раиси Сухроб Исмоиловларнинг маърузалари тингланди. Сўнгги ёшлар ўзаро фикр алмашув, баҳс-мунозараларга киришдилар.

**Аҳаджон БОБОХОНОВ,** ЎзХДП Бўстонлик туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Сайловлар арафасида ёшларнинг унда фаол иштирок этишларига ҳаракат қилишимиз керак. Яқинда бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сай-



ловларида ҳам шунга интилдик. Аммо, бунинг ўзи камлик қиладди. Жамиятда ташаббускорлик, шижоат муҳитини янада ривожлантириш учун ўз ҳуқуқларимиздан фойдаланиб сайланма органларга кўпроқ ёшларнинг сайланишига эришсакгина кўзлаган манзилимизга тезроқ етамиз.

**Шерзод БОЙЖОНОВ,** ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Инсон иккита масканда камол топади. Биринчиси — оила, иккинчиси — жамият. Биз негадир буларнинг иккинчиси ҳақида кўпроқ гапирамиз, биринчиси ҳақида камроқ тўхталамиз. Менинг бир тақлифим бор. Ёшларнинг моддий қўллаб-қувватлашга энг кўп эҳтиёж сезаётган қатлами бу ўйлаш, оила қуриш арафа-

сида турганлар, ёш оилалар ҳисобланади. Ана шундай ёшларни қўллаб-қувватлашнинг механизмларини такомиллаштириш устида кўпроқ ўйлаш керак, назаримда.

**Зироҳат ШОМАЛИКОВА,** ЎзХДП Паркент туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Бировдан ташаббус кўтиб ўтирмасдан, ўзимиз ташаббуслар билан чиқаришимиз керак. Биз-

ни ўқитишга, ишга жойлаштиришга, уйлантиришга турмушга уза-тишга, уй-ҳўли қилиб беришга... ўзимиз нима қиламиз? Барча нарсани ўзимиз учун ўзимиз яратганимиз ҳам тотли, ҳам қадрли

бўлади. Осонликча қўлга киритилмаган нарса осонликча бой берилмайди ҳам.

2-бет

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобовларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.\*

|                         |         |
|-------------------------|---------|
| 1 Австралия доллари     | 920,63  |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2266,88 |
| 1 Дания кронаси         | 210,29  |
| 1 БАА дирхами           | 333,68  |
| 1 АҚШ доллари           | 1225,54 |
| 1 Миср фунти            | 213,32  |
| 1 Исландия кронаси      | 16,24   |
| 1 Канада доллари        | 1099,73 |
| 1 Хитой юани            | 153,52  |
| 1 Малайзия ринггити     | 337,15  |
| 1 Польша злотийси       | 384,41  |
| 1 СДР                   | 1816,70 |
| 1 Туркия лираси         | 788,64  |
| 1 Швейцария франки      | 1001,50 |
| 1 ЕВРО                  | 1567,83 |
| 10 Жанубий Корея вони   | 13,01   |
| 10 Япония енаси         | 107,81  |
| 1 Россия рубли          | 45,60   |
| 1 Украина гривнаси      | 242,68  |

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, fax: 133-34-26  
www.uzspb.uz E-mail: info@uzspb.uz

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**

MULKDORGA HAMKORI

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаёти

ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

хусусида атрофлича фикрлашиб олинди

Яқинда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашида семинар бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесидаги партияимиз фракцияси, маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия кенгашлари раислари ҳамда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуман «Иш билан бандлик муаммоси: партиянинг дастурий вазифалари ва уларни жойларда ҳал этиш йўллари» мавзусига бағишланди.

Семинарда «Ишсизликка чек қўйиш ва аҳолининг иш билан тўла бандлиги — Ўзбекистон ХДПнинг муҳим йўналиши» мавзусида Қорақалпоғистон республика партия кенгаши раиси Атаулла Асанов маъруза қилди. Нотик бугунги кундаги аҳоли атрофлича таҳлил қилиб, ЎзХДП Дастурида олға сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, «Меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлиги мониторингини олиб бориш ва ҳудудда бу муаммони ҳал этиш йўллари» тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари Абдусайд Мамбетиязовнинг маърузаси тингланди.

Муҳокамалар жараёнида биринчи навбатда ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қонунда белгиланган қарорларни такомиллаштириш, қасанчилик — уй меҳнатини рағбатлантириш, ўзини ўзи иш билан таъминлаш механизмларидан кенгроқ фойдаланишни ташкил этиш йўллари алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масалалар юзасидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети кафедра мудири, профессор Қунишбай Утениязов, Амударё туманидаги 30-мактаб директори Санобар Хўжамуратова, ХДП Нукус шаҳар, Хўжайли туман кенгашлари раислари Садебай Нурманов, Раушан Заировалар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинар якунида кўтарилган муаммолар юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди. Уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракциялари орқали қонунчиликда акс эттиришга келишиб олинди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Истиқбол» ёшлари

ИШОНЧ — ТАШАББУСГА ЧОРЛАЙДИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Нафиса ПҮЛАТОВА, ЎзХДП Сирдарё туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Ҳамма нарсга ўз меҳнатимиз билан эришмоғимиз керак. Аммо, ҳали ёш, ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ижтимоий, маънавий қўллаб-қувватлашнинг, руҳлантиришнинг ҳам аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки, шахс камолоти учун ҳам унинг ўз

ҳаракати, ҳам атрофдагиларнинг унга муносабати жуда муҳим омил ҳисобланади.

Шахнозаҳон ШАМСИЕВА, ЎзХДП Олмалиқ шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:

— Ёшлар ташкилотлари, қанотлари кўп ташаббус билан чиқадиган, янги-янги фикрлар, ғоялар устида ишлайдиган орган бўлиши керак. Бунда эса, ўзаро ҳамкорлик, тажриба алмашиш, учрашувларнинг ўрни бениҳоя катта. Анжуманинг олмалиқлик ёшлар учун фойдаси шундан иборат бўлдики, энди

«Истиқбол» ёшлар қанотининг дастури янада бойийди, такомиллашади.

Денис ДУБКОВ, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси ўринбосари:

— Бу анжуман бизни ҳамкорликка, ҳамжихатликка чорлайди. Ундан ташқари, мамлакатимизда ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан позициямишни шакллантиради. Ундан ташқари, дўстларимиз билан ҳамкорликда, турли тадбирларни ўтказишга келишиб ҳам олдик.

Мунозаралардан сўнг анжуман иштирокчилари Янгийўл шаҳридаги «Росси» ва «Полиграфсервис» қўшма корхоналарига ташриф буюришди. Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ёшлари вакилларининг минтақавий Янгийўл анжумани «Ватан» номли янги ўзбек фильмини томоша қилиш билан якуланди.

Бехзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: анжуман иштирокчиларидан бир гуруҳи.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ФАҲРИЙ КОНСУЛИ

Японияда мамлакатимизнинг Осака шаҳридаги янги фахрий консулини тантанали таъинлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати қарорига кўра, ушбу лавозимга Япония фуқароси, «Торай интернейшнл» компанияси маслаҳатчиси Тошио Тоура тайинланди.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги 1963 йилги Вена конвенциясига мувофиқ, фахрий консуллар аккредитация қилувчи давлат томонидан уларни қабул қилувчи давлат фуқаролари орасидан тайинланади. Булар — асосан мамлакатнинг фан, маданият, бизнес соҳасидаги таниқли арбобларидир. Улар ўзларига юклатилган консуллик вазифаларини кўнгилли равишда бажаришда ва икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга кўмаклашади. Ушбу тажриба республикамиз ташқи сиёсатида ҳам қўлланилади.

Маросимда Кунчиқар мамлакат сиёсатининг ёрқин намоёндаларидан бири, икки томонлама муносабатларимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган Ўзбекистоннинг самимий дўсти — Япониянинг маъмурий ишловчилар буйича давлат вазири Коки Чума сўзга чиқди. У маъмурий маркази Осака шаҳри бўлган Кансай минтақасининг иқтисодий ва маданий салоҳияти тўғрисида ахборот берар экан, «Осака — Ўзбекистон» дўстлик уюшмасини тузишни тақлиф қилди ҳамда унинг фаолиятида шахсан иштирок этишга тайёр эканини билдирди.

Япония парламенти депутати Йошинори Оно Ўзбекистоннинг янги фахрий консулини икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини ҳам ишбилармонлар, ҳам жамоатчилик даражасида чуқурлаштиришга йўналтирилган халқ дипломатияси намунасини кўрсатишга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик патентини қабул қилган, Тошио Тоура билдирилган юксак даражадаги ишонч учун ҳукуматимизга миннатдорлик билдирди ва икки мамлакат ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солишини маълум қилди.

Акмал ҚҮҶҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири Токио

«...ҚУРУВЧИЛАРИНГИЗНИНГ МАЛАКАСИ ҲАМ, ДИДИ ҲАМ ЗҲР ЭКАН!»



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ҳозир барча соҳада бўлган каби қурилишда ҳам рақобат бор. Авваллари баъзи қурилиш ташкилотлари бир йўла 3-4 та иншоотни ўз зиммасига олиб, кейин навбати билан қураверарди. Ҳозир ҳам бир йўла 2-3 қурилишда иш олиб бораётган ташкилотлар йўқ эмас. Бунинг учун улар ҳамма имкониятларини ишга солишди. Буюртмачи қистаб туради-да...

— Бугунги кунда қайси иншоотларда ишляпсизлар? — сўрадик.

— Яқинда Ургут туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат ҳўжалигида 29-умумтаълим мактаби биносини фойдаланишга топширдик. Оқдарёдаги 51-, Жомбойдаги 20-мактаблар қурилиши жадал давом этаётти. Лойиҳа қиймати 474 млн. 634 минг сўмлик Найман қишлоғидаги (Оқдарёда) 51-мактабнинг янги биносиди «Меймор» — лойиҳа МЧК» меъморлари томонидан лойиҳалаштирилди. Мазкур билим даргоҳи келгусида 500 нафардан зиёд ёшларни ўз бағрига олади. Асосан Найманча, Холмерган, Қиёт, Тўртайғир қишлоқларидан қатнаган болалар эски мактаблар биносиди (бири — 1923 йилда, бири — 1952 йилда қурилган) ўқишарди. Ҳозир ҳукуматимиз дасту-

рига кўра, бу ерда ҳар иккиси ўрнида бутунлай янги мактаб қурилмоқда.

— Нафақат болаларимиз, биз катталар ҳам қувончамиз, — дейди мактаб ота-оналар қўмитаси раиси Нормурод Пардаев. — Йиллаб шундай мактабни орзу қилиб яшардик. Қиш келиб, ҳаво совий бошла-са, жисмоний тарбия дарсларини синф хоналарида ўтказишга мажбур эдик. Энди эса янги ўқув йилидан бошлаб катта спорт зали ҳам бўлади...

...Мухтарам Ҳўртбошимиз 2004 йил Самарқанд шаҳрига ташриф буюрганларида дунё эътиборида турган туристик шаҳарнинг ораста, саранжом-сарилталли бўлмоғи лозимлиги ҳақида ўз маслаҳатлари ва тавсияларини берганди.

— Ушанда Ҳўртбошимиз қўримсизгина жойда қўним топган «Хотира майдони» манзарасини қўриб қўлиб кетдилар, — деб ҳикоя қилади вилоят капитал қурилиш ва инжиниринг компанияси бошлиғи Примкул Собиров. — Тез фурсатда шаҳардаги «Мангу олов» ёдгорлиги ўрнида қурилиши режалаштирилган «Хотира майдони»ни янгидан барпо этиш масъулияти 2-МКК ОАЖ қурувчиларига топширилди ва «Тошбошлан-ли» институти лойиҳаси асосида 320 млн. сўмлик иш бажари-

рилди... Махмуа тўридаги Мотамсаро она ҳайкали ва икки томони қошинкор айвон қурилишининг узвий давоми «Шохи-Зинда» масжиди мажмуасида ҳам олиб борилади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган «Шохи-Зинда» жамғармаси буюртмаси билан бу ерда 483,6 млн. сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар юраги — Регистон майдони билан туташ «Шоирлар боғи»даги ободонлаштириш ишлари ҳам мактовга молик.

Бугина эмас, жамоа қурувчилари «2005-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш» умумий дастури ижроси таъминланишида фаол иштирок этиб, Пайарикдаги 33-мактаб биносини янгидан, 34-мактаб биносини эса капитал таъмирдан чиқардилар. Шунингдек, Эшимқоққў қўрғониди бунёд этилаётган 1000 ўринга мўлжалланган (лойиҳа қиймати 1410,12 млн. сўмлик) маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежи ҳам мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида ишга туширилди.

— Болалигим қурилиш майдонларида ўтган, — дейди «Фурҳандис РАА» қурилиш фирмаси раҳбари Роза Омонова. — Сабаби, отам Омон Мелибозев оқў йиллар қурилишда

тармоқли диагностика маркази, ўнлаб ўқув масканлари, болалар боғчалари, 6 та турли йўналишларга ихтисослашган касб-хўнар коллежлари бинолари, туман телестудияси, спорт-соғломлаштириш марказлари иншоотлари қурилишларида ҳам Роза Омонова бошлик бунёдкорларнинг ҳиссаси бор.

— Шу кунларда, — дейди у, — туманимизнинг энг чекка қишлоқларидан бири — Қоратепида 500 ўринли маиший хизмат касб-хўнар коллежи қурилишини олиб бораёلمиз. 480 ўринга мўлжалланган 1-умумтаълим мактаби биносини ҳам мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида фойдаланишга топширишни ният қилганмиз...

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига кўра, яқинда Самарқанд шаҳридаги 10-мехрибонлик уйига ўзимиз тайёрлаган 100 дон шақфалар сова қилдик. Шунингдек, болалар спортини ривожлантиришга 12 млн. сўм, мактаблар фондиди ривожлантиришга эса 21 млн. сўм ҳомийлик ёрдамлари кўрсатдик...

Бугун вилоятнинг қай бир гўшасида бўлманг бири биридан гўзал, замонавий янги иншоотларни кўрасиз. Буни бу ерда дунёнинг ривожланган давлатларида ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Шазия ХУШК, сайёҳ, Покистон Республикаси:

— Бундан 7-8 йил илгари ҳам Ўзбекистонда, хусусан, Самарқандда бўлганман. Бу гал, тўғриси, шаҳарда адашиб қолдим... Аввал қўрган Самарқанд билан бугунги катта фарқ қилади. Замонавий иморатлар, қўрқам боғлар, сўлим хиёбонлар... Ва яна ҳавасингизни оширадиган ўқув муассасалари, меҳмонхоналар... Қурувчиларининг малакаси ҳам, диди ҳам зўр экан...

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: янги қад ростлаган иншоотлар.

Суратлар муаллифи Ҳасан ТҮҒИЗОВ

«Галла — 2006»

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИНИНГ БАРАКАЛИ ХИРМОНИ

Тошкент вилояти галлакорлари эл-юрт хирмониға 267 минг 400 тоннадан зиёд сара дон етказиб бердилар. Ялпи ҳосил эса 500 минг тоннадан ошиши кўтилмоқда

Вилоятда бу йилги мавсумда биргина галлачилик йўналишида 7 минг 385 та фермер ҳўжалиги 129 минг 500 гектар (шундан 115 минг 500 гектари сувли) майдонда мўл ва сифатли дон етиштирди. Эътиборли жиҳати, эришилган меҳнат зафари ўтган йиллардаги қараганда анча салмоқли бўлди.

Биргина мисол. 2004 йилда 135 минг гектар майдонда галла етиштирилиб, 256 минг 200 тонна дон олинган ва ҳосилдорлик ўртача 38,5 центнерни ташкил этганди. Жорий йилги мавсумда эса ўтган йиллардагига нисбатан қарийиб 5,5 минг гектар кам майдонда деҳқончилик қилинган бўлса-да, ҳосил чўғи ва иш унумининг кескин кўтарилиши ҳисобига вилоятда галлачилик сердаромад тармоққа айланди. Галлакорлар жорий йил ҳосилидан 48 миллиард сўмдан зиёд даромад олишни кўзлашган. Бунинг 7 миллиард 500 миллион сўми

эса соф фойда.

Оққўрғон туманида бу йилги галла мавсумида 506 нафар фермер, 4 та ширкат ҳўжалиги 8 минг гектардан зиёд майдонда галланин «Крошкка», «Палочанка» нави уруғини экиб деҳқончилик қилдилар.

— Урим мавсумига тайёргарлик кўзланган марра — 20 минг 894 тонналик улкан хирмон яратиш орузсига, масъулиятига, хос бўлди, — дейди туман ҳўкимни Аҳрор ҲОҲУРОВ. — Эътиборлиси шундаки, етиштирилган ҳосилнинг 74 фоизидан кўпроги фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Бундан ташқари, уруғчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари томонидан 1895 тонна «Интенсив» ҳамда «Марс» сингари истиқболли галла навлари уруғлиги ҳам тайёрланди. «Қўқор Чавандоз», «Бурхон», «Дурдона», «Мавлонбой ота», «Қизил тонг агро», «Шавақтбек», «Фазлиддин Омонов» каби қатор фермер ҳўжаликларида ўртача ҳосилдор-

лик кўрсаткичи 55-65 центнерни ташкил этди.

Шокир ИКРОМОВ, Қибрай тумани ҳўкимни:

— Жорий йилда 4660 гектар, шу жумладан 3460 гектар суғориладиган ерда галла етиштирдик. Эл хирмониға 10 минг тоннадан зиёд дон етказиб бериб, мўлжалимиздаги дастлабки доводдан ошдик. Хирмонимизда фермерларнинг салмоқли улushi бор. «Барака», «Ақром ота», «Аббос Давр», «Хўжаев Қурбон» каби фермер ҳўжаликларида ўртача ҳосилдорлик 55-60 центнердан ошди...

Галла ризқ-рўзимиз. Демак, бу тўқчилик, тўқинчилик, фаровонликдан нишона. Қолаверса, галла чорвачилигимиз озуқа манбаи ҳамдир. Чорва эса гўшт, сўт, қатиқ, қаймоқ дегани...

Вилоят галлакорлари ялпи хирмонни 500 минг тоннадан оширишга аҳд қилишган.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Суратда: Оққўрғон туманидаги «Бурхон» фермер ҳўжалиги раҳбари Бурхон Қурбонов.

Пардавов ЭРҒАШЕВ олган сурат.

СИРДАРЁЛИКЛАР — МАРРАДА

ГУЛИСТОН (Ўза мухбири Д.Эсонова).

Урим-йғимини уюшқоқлик билан давом эттираётган сирдарёлик миришкорлар давлатта галла сотиш шартнома мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларига қарийиб 172 минг тонна дон топширилди. Шунинг уч минг тоннага

яқини уруғлик ҳисобланади. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилгани ютуқлар олиши бўлди. Галла хирмониға Ховос, Бобевут, Сирдарё, Сайхўнобод, Гулистон ва Сардоба тумани деҳқонлари муносиб ҳисса қўшди.



• Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси: ярим йиллик якуни ва режалар

# АЁЛ – МИЛЛАТ ДАВОМЧИСИ

Маълумки, республикамиз аҳолисининг 51,0 фоизини хотин-қизлар, қишлоқ аҳолининг эса 49,9 фоизи аёллардан иборатдир. Таълим, маданият ва фан соҳасида — 72,9 фоиз, соғлиқни сақлашда — 75,3 фоиз, докторантурада — 33,3 фоиз, фан докторларининг 18,7 фоизи, академикларнинг эса 7,3 фоизи хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси Юрбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий, сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, оилаларда табибий савияни ошириш, хонадонларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида муайян чора-тадбирлар белгилади, уларнинг ижросини таъминлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида вилоят, туман хотин-қизлар кўмиталари фаолияти тубдан ўзгарди. Маълумки, маҳалла одамлар, оила, хотин-қизлар ҳаётида муҳим ўрин тутди. Зеро, маҳалла бежизга халқ академикси, дея талқин этилмайди. Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозимига ҳаётий тажрибага эга бўлган, билимли, кенг тафаккурли, одамларнинг иззат-иқромига сазовор бўлган хотин-қизларнинг тайинланиши ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди.

Бугун биз шиддатли ўзгаришлар, қайсидир маънода ахборот хуружлари таъсирида яшаймиз. Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар баъзан интернет орқали нотўғри, бир ёқлама, кимларнингдир манфаати-га мослаштирилган кўринишда талқин этиляпти. Хотин-қизларимизни ана шундай ахборот хуружларидан ҳимоялаш учун, аввало, уларнинг қалбига маърифий иммунитетни — огоҳлик, йимон-эътиқод каби тушунчаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан республикамиз аёллари орасида ишчиликни бартараф этиш, репродуктив саломатлик, аҳоли орасида ҳолис донорликни тарғиб қилиш, касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 299-сон қарори асосида хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурлар қабул қилинган, унда, ҳар йили республикамизда 205 минг нафар хотин-қиз иш ўринлари билан таъминланиши таъкидланган. «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича Ҳаракат Дастури» ҳам ишлаб чиқилиб, у аёлларимиз орасида иш билан бандлик кўрсаткичини кўтариш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий билимларини оширишга қаратилгандир.

Маълумки, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик янада ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни кенг қўлчи ёйдириш йўли билан аёлларга янги иш ўринлари яратиш, айниқса, чекка қишлоқ аҳолиси қатламларини микроолиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 майда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг вилоят, туман бўлимлари тадбиркорлик билан шуғулланишни энди бошлаётган хотин-қизлар ўртасида Фармоннинг маҳаллий тарғибот-ташвиқот этиш орқали, айниқса, олис қишлоқларда аҳоли кенг таъминлаш бўйича маънавий таъминлаш таъминлаш учун курашмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги IV пленумида шулар ҳақида гап борди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили дастурининг ижросини таъминлаш бўйича шу йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

— Ўтган олти ой республикамиз Хотин-қизлари ҳаётида ўчмас из қолдирди, — деди пленумда Сенатор, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Имомова. — Зеро, эришган ютуқларимиз ўзимизники, бугун эса биз асосий эътиборни олдимида турган галдаги долзарб масалаларга қаратмоғимиз керак.

Пленумда бу ҳақда кескин баҳс-мунозаралар, тақлиф, мулоҳазалар билдирилди.

**Жамшид САЙФИДИНОВ,** «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси:

— Банк тизимининг ривожланиши миқозларнинг билим, савиясига ҳам боғлиқ. Аммо миқозларимизнинг ҳали ҳуқуқий савияси, билими қониқарли эмас.

Биз тадбиркорликни бошламоқчи бўлган хотин-қизларимизга шарт-шароитлар яратишга, уларни ўқув курсларида ўқишга жалб қилаемиз.

Пул топган бой бўлмайди, балки маблагни оқилона сарфлаган киши бадавлат бўлади. Хотин-қизларнинг билимини ошириш борасида кўпроқ ишлашимиз зарур. Ёки нега банкир аёллар кам? 100 та филиалимизнинг атиги 4 тасини хотин-қизлар бошқаряпти, холос.

**Манзура АМИНЖОНОВА,** Андихон вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Хотин-қизларимиз орасида табибий савияни оширишимиз керак. Ҳомийдор аёлларимизнинг туғиш жараёнида ўлим ҳолатининг 52 фоизига қон йўқотиш, камқонлик, оғир руҳий ҳолат сабаб бўляпти. Биз ҳомийдор аёлга ҳамма оила аъзолари хайрихоҳлик билдиришига эришиш учун ишлашимиз керак.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, она-бола саломатлигини муҳофазалаш, ижтимоий ҳимоялаш фақат кўмита ёки мутасадди ташкилотнинггина вазифаси эмас. Бу борада ҳали биз фойдалана олмаётган имкониятлар ҳам бор.

Мамлакатимизда бешта сиёсий партия мавжуд, уларнинг дастурлари билан танишсак, бу масалаларга алоҳида аҳамият берилган. Лекин амалда-чи? Шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошида тузилган «Аёллар қанотининг» фаолиятида хотин-қизлар муаммолари алоҳида ўрин тутганини таъкидламоқчимиз.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг IV пленумида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда навбатдаги аниқ масалалар белгилаб олинди.

**Саида САЙХУН,** «Ўзбекистон овози» мухбири

# ИТАЛИЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!



французларга кумуш, германияликларга бронза медаллари насиб этди

Нихоят, Германияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионати ўинлари якунланди. Қизғин шундаки, бу сафар қайси мамлакат деб терма жамоаси жаҳон чемпиони номига сазовор бўлишини олдиндан башорат қилган малайзиялик Дэниэл Чан ҳақ бўлиб чиқди. У ит йилида ўтказилган чемпионатларда Италия ёки Бразилия футболчилари чемпион бўлишини олдиндан айтган эди.

Италиялик ишқибозлар ҳамюртлари чемпиони бўлишларини муштоқлик билан кутишди. Рим шаҳар мэри якуловчи учрашувни қадимий антик даврда катта тадбирлар ўтказилган Массимо цирки майдонида экранни 50 кв. метрли телевизор орқали томоша қилишларига имкон яратди.

Ҳўш, тўртинчи марта чемпионлики қўлга киритган Италия футболчилари финалгача қандай йўл босишди? Маълумки, ита-

яндлар «Е» гуруҳида Чехия, АКШ, Гана жамоалари билан тўп суришти. Улар Гана (2:0), АКШ (1:1), Чехия (2:0) билан ўйинда еттига очко тўплаб, гуруҳи болиби сифатида нимчорак финалгача йўлланма олишган эди. Чемпионатнинг навбатдаги босқичини Австралия футболчилари билан ўтказган италяндлар дарвозага битта тўп киритиш билан чорак финалгача чиқиди. Ярим финалгача ўтиш учун Украина футболчиларини 3:0 ҳисобида енгиди. Ярим финалда эса чемпионат мезбонлари — германияликлар билан «жанг» қилишга тўри келди. Бу ўйиннинг ниҳоятда шиддатли ўтганини муҳлислар яхши билишади. Рақиблари дарвозасига икки тавоабис тўп йўлаган италяндлар финалгача чиқиб олишди.

Тўғрисини айтганда, французларнинг финалгача боришларини кўпчилик кутмаганди. Чунки, бу жамоа «С» гуруҳида ўйинлари сус-

кашлик билан бошлаганди. Чунинчи, Швейцария билан 0:0, Жанубий Корея билан 1:1 ўйнаб, Тогони 2:0 ҳисобида енгиб нимчорак финалгача чиқиди. Навбатдаги босқичда французлар бироз тетиклангандек бўлишди. Улар Испания футболчиларини 3:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Шундан кейин беш карра жаҳон чемпиони Бразилия футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалгача йўлланма олишлари кўпчиликни ҳайратга солди. Ярим финалда эса уругувайлик ҳакамнинг белгилаган 11 метрли жарима тўпи французларга галаба келтирди. Қарабсизки, Франция финалгача чиқиб турибди.


Италия — Франция жамоалари ўртасидаги якуновчи учрашув «ҳаёт-мамат жангига» айлангани олдиндан маълум эди. Бу ўйинда асосий вақтда дарвозаларга биттадан тўп киритилди. Қўшиб берилган 30 дақиқада

ҳисобни ўзгариштиришнинг иложи бўлмади. Мазкур учрашувнинг еттинчи дақиқасида аргентиналик ҳакам Хорасионинг 11 метрли жарима тўпини белгилади ва уни Зидан қўйилмақом қилиб дарвозага киритди. 19-дақиқада италиялик Пирло оширган бурчак тўпини Марко Матерраци боши билан дарвозага йўлади — 1:1. Ана шу ҳисоб асосий ва қўшимча вақт тугагунга қадар ўзгармади. Зеро, 110-дақиқада юз берган ноҳуш воқеани муҳлислар узоқ вақт эслаб юрсалар керак. Ўзининг сўнги хайрлашуви учрашувини ўтказаетган Зениддин Зидан кутилмаганда италиялик ҳимоячининг кўксига қалла қўйиб қолди. Ҳимоячи гурқиллаб йиқилди. Ҳакам қизил картонча кўрсатиб, Зиданни майдондан чиқариб юборди. Бу воқеа тафсилоти Зидан бекордан бекор бундай «хунарни» кўрсатмагани табиий. Аммо... Нима бўлганда ҳам Зидан чемпионатнинг энг яхши ўйинчиси деб эътироф этилди.

11 метрли жарима тўплари тегишда 5:3 ҳисобида ютган Италия галаба нашидасидан баҳраманд бўлди. Бир кун илгари учинчи ўрин учун ўтказилган учрашувда эса германияликлар Португалия футболчиларини 3:1 ҳисобида енгиб, чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритишди.

Бир ой давом этган ўн сақкизинчи жаҳон чемпионати ҳам тарихга айланди. 64 та ажойиб футбол спектакли миллионлаб ишқибозларга олам-олам завқ бағишлади.

**Ҳайдар НОСИРОВ,** Раҳшон ШОДИЕВ



Зиданнинг чемпионатдаги сўнги «зарбаси»... Бу зарба хали кўп ёлланади...

## ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилади.

- Бакалаврият таълим йўналишлари бўйича:**
- ◆ Касб таълими (бинолар ва иншоотлар қурилиши);
  - ◆ Касб таълими (шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги);
  - ◆ Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши);
  - ◆ Дизайн;
  - ◆ Менежмент (соҳалар бўйича);
  - ◆ Геодезия, картография ва кадастр;
  - ◆ Архитектура;
  - ◆ Бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича);
  - ◆ Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги;
  - ◆ Муҳандислик коммуникациялари қурилиши;
  - ◆ Қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш технологияси;
  - ◆ Гидротехника қурилиши;
  - ◆ Сервис (уй-жой ва коммунал, маиший хизматлар).

- ёлдорликларини тиклаш;
- ◆ Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш;
  - ◆ Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар;
  - ◆ Саноят ва ҳўжалик қурилишини ташкил этиш ва унинг технологияси;
  - ◆ Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан фойдаланиш;
  - ◆ Сув таъминоти, каналзация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;
  - ◆ Газ-нефть сақлаш омборлари ва қувурлари қурилиши;
  - ◆ Иситиш, шамоллатиш, ҳавони мўътадиллаш ва ҳаво ҳавасини муҳофаза қилиш;
  - ◆ Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш;
  - ◆ Гидротехника иншоотлари.

- Аризалар 2006 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**
- Тест синовлари 1 август кунини бўлиб ўтади.**
- Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
1. Ректор номига ариза;
  2. Ўрта ёки ўрта махсус маълумот олганлиги тўғрисидаги ҳужжат (аттестат, диплом)нинг асл нусхаси;
  3. 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
  4. 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;
  5. Паспорт нусхаси.
- Ўқишга кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатини шахсан кўрсатиши шарт.**
- Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 13-йой. Тел. 142-11-24. Факс 142-80-00.

- Магистратура мутахассисликлари бўйича:**
- ◆ Реклама ва амалий графика;
  - ◆ Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);
  - ◆ Тармоқлар иқтисодиёти (шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги);
  - ◆ Менежмент (соҳалар бўйича);
  - ◆ Амалий геодезия;
  - ◆ Шаҳар ерлари кластри;
  - ◆ Бино ва иншоотлар архитектураси;
  - ◆ Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура



• Табиат ва инсон

## ОЛАҚАНОТНИНГ ФОЙДАСИДАН ЗИЁНИ КЎП

Бир жуфт олақанот йил давомида 12 дона тухум қўяди ва унинг ҳаммасидан бола очиб чиқади. Ҳайратланарлиси, палапонлари табиат инжиқликларига бардошли бўлиб, унча-мунчага жон таслим қилмайди, яшовчанлиги учун ҳам тез кўпаяди.

Маълумотларга қараганда, кейинги икки йил мобайнида олақанот, яъни Ҳиндистон майнасини қамайтириш учун турли рағбатлантиришлар тўғрисида қарийб икки юз мингга зарарқунанда куш йўқ қилинди. Бугунги кунда Наманган вилояти ҳудудининг ўзида тахминан 1 миллион 500 мингдан ортиқ олақанот бор дейишди. Қўшни Фарғона, Андихон вилоятларида ҳам Ҳиндистон майнаси кўп бўлса кўпи, асло оз эмас. Агар водийда учиб юрган қушларнинг сони жамлаб айтилса, ваҳимали рақам кўз олдингизга келади. Улар келтираётган зарар ҳисоблаб қўрилса-чи?...

Олақанотлар далада емиш қолмаган қиш кунларида дон, умуман, «ёғли» корхоналардан макон топишади. Дон комбинатида ов миллигидан отилганда битта сочма ўқнинг ўзидан 30 та олақанот ўлди. Бу, қушларнинг ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлигидан далолатдир.

**(Вилоят овчилик жамиятидан олинган маълумотлардан).**



Табиат ёзилмаган қонунлар, ўлчулар билан яшайди. Яъни бирор ўлкада сунъий равишда ҳайвонот дунёсини кўпайтириш, дов-дарахларни тавақкалига экиб, ўрмонзорлар барпо қилиш ёки тепалиқларни текислаб, экинзорларга айлантиришнинг оқибати тузатиб бўлмас фожияларга олиб келганига қўллаб-қўлдоғчи бўлиб келган. Бу ана шундай ҳуқуқ воқеалар тафсилотини айтиб руҳингизни тушириш ниятидан ироқимиз. Аксинча, бугунги кунда ажойибу гаройиб қилиқлари билан инсонни лол қолдираётган бир қуш ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу, фан тилида Ҳиндистон майнаси (баззи хойларда Афғон майнаси

деп илгинса олиб, олақанотларга ота бошлабди. Шу чоғ агроном келибди.

— Фақат сиздамас, дўстим, — дебди агроном. — Бошқа ерларда бундан баттарки, кам эмас. Навилоҳ! Эртадан одамни кўпайтиринг, пишгани-ю ранг олганини уздириг. Завод билан гаплашганимиз, олади. Энди бўёғига кўнглини чуқиртирмай бори топишавинг. Суғурта идорасидан ёрдам сўраймиз. Зарарнинг бир қисмини қоплаб берса, ажаб эмас, — деб юпатгандай бўлибди.

Табиатда ҳар қандай жониворнинг фойдали ва зарарли томонлари бор. Аммо олақанот қушлар «текинтомом» деб ном чикаргани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, олақанотлар ҳақида кўп гапириляпти. Ҳатто булбул, қизилишқан, синчалак, чумчуқ каби ўнлаб беозор қушлар Ҳиндистон майнасига ем бўлаётганлигини ҳам эшитиб қоляемиз. Кишини ўйлатадиган жойи шундаки, фойдасидан зарари кўп олақанотларни қамайтириш учун нега кескин чора-тадбир қўлланмаляпти?

Эҳтимол, мамлакатимизда олақанотларга қарши кураш ойланини ўтказиш керакдир? Табиати муҳофаза қилиш идоралари, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари бу муаммо ечимни бўйича ўз тақлифларини билдиришса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Абдураҳмон НАСРИДИНОВ,** журналист

|  |
|--|
| <b>BOSH MUHARRIR:</b>  |
| <b>Safar OSTONOV</b>   |
| <b>TAHRIR HAY'ATI:</b>   |
| <b>Abdulla ORIPOV</b><br>Latif G'ULOMOV<br>Asliddin RUSTAMOV<br>Ashur QODIROV<br>Bobir ALIMOV<br>Farruh HAMROYEV<br>(Bosh muharrir<br>birinchi o'rinbosari)              |
| <b>Alimqul SULTONOV</b><br>(Bosh muharrir o'rinbosari)   |
| <b>Andrey ORLOV</b><br>(Bosh muharrir o'rinbosari<br>«Golos Uzbekistan»)   |
| <b>Norbobo SHAKAROV</b><br>Nomoz SA'DULLAYEV<br>To'lepbergen<br>QAIPBERGENOV<br>Mushihiddin<br>MULHIDDINOV<br>Olim MURODOV<br>Abdug'ani<br>MAMASODIQOV<br>(Mas'ul kotib) |
| <b>MUASSIS:</b>  |
| <b>O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI</b><br>MARKAZIY KENGASHI  |
| <b>BO'LIMLARI:</b>   |
| <b>Siyosat, partiya va xalqaro hayot</b><br>133-10-13  |
| <b>Ma'naviyat va ma'rifat</b><br>133-69-45   |
| <b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b><br>133-20-36  |
| <b>Parlament va huquq</b><br>136-76-21   |
| <b>Ekologiya va salomatlik</b><br>133-44-55  |
| <b>Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik</b><br>133-21-43  |
| <b>Xatlar va ommaviy ishlar</b><br>133-12-56 (Tel. Faks)<br>Mas'ul kotib<br>133-72-83  |
| <b>Reklama va e'lonlar</b><br>133-38-55, 133-47-80   |
| <b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>   |
| <b>Andijonda —</b><br>25-32-70   |
| <b>Buxoroda —</b><br>222-10-92   |
| <b>Gulistonda —</b><br>25-22-32  |
| <b>Jizzaxda —</b><br>5-49-85   |
| <b>Navoiyda —</b><br>223-83-73   |
| <b>Namanganda —</b><br>6-43-43   |
| <b>Nukusda —</b><br>222-70-15  |
| <b>Samarqandda —</b><br>35-20-54   |
| <b>Urganchda —</b><br>226-51-35  |
| <b>Farg'onada —</b><br>26-43-62  |
| <b>Termizda —</b><br>3-79-98   |
| <b>MANZILIMIZ:</b>   |
| 700000, TOSHKENT,<br>MATAJOTCHILAR<br>KO'CHASI, 32-UY.<br>e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  |
| Navbatchi:<br>Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV   |
| Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalana.   |
| Sahifalovchi-dasturchilar:<br>Ikromjon ISMOILOV,<br>Sobirjon TUNG'ATOV   |
| «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.   |
| <b>Korxonalar manzili:</b><br>Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.   |
| Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.   |
| Gazeta o'z usulida, A-2 formatida bosiladi.<br>Hajmi 2 bosma ta'boq.<br>Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  |
| «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'biyot ruxsatida bilan amalga oshiriladi.  |
| Г — 952  |
| 7235 nusxada bosiladi  |
| Г — Tuzilgan material  |
| O'zA yakuni — 21.10<br>Toshirish vaqti — 23.10   |
| 2 3 4 5 6  |
| Sotuvda erkin narxda   |